



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2016 йил 28 май, № 104 (6539)

Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЭЪТИРОФ



Испаниянинг Валенсия шаҳрида Шанхай ҳамкорлик ташкилоти доирасидаги халқаро ҳамкорлик мавзуга бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

«Ўзбекистоннинг ШХТга бу галги раислиги ҳам ташкилот тарихида катта из қолдиради»

Ўзбекистоннинг Мадриддаги элчихонаси томонидан Испаниянинг Стратегик тадқиқотлар институти билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур тадбирда мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий, эксперт-таҳлил ва академик доиралари вакиллари қатнашди. Улар Ўзбекистон Республикасининг ШХТ доирасидаги фаолияти ҳамда юртимизнинг ушбу ташкилот ривожига қиссаси билан яқиндан танишдилар.

салишини таъминлашга интиладими.

Давра суҳбати иштирокчилари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ташки сиёсий фаолиятининг асосий тамойиллари, мамлакатимиз йўлидаги муҳим ташаббуслари билан ҳам танишдилар.

Испания Конгресси депутати **Хосе-Мария Чикийо** «Жаҳон» ахборот агентлигига берган интервьюсида Марказий Осиёда барқарорлик ва хавфсизлик таъминлашида Ўзбекистоннинг ўрни ўта муҳим эканлигини қайд этди.

— Мамлакат мустақилликни кўлга киритганидан сўнг тинчликни сақлаш ҳамда иқтисодий тараққиёт масалаларида қатъий йўлни тутди, — деди у. — Бугунги тадбир Ўзбекистоннинг ШХТ фаолиятидаги позицияси тўғри эканлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилиш имконини берди. Ушбу фурсатдан фойдаланиб, мамлакатимизнинг ШХТга раислиги доирасидаги фаолияти янада самарали бўлишига тилақдош эканлигимни айтмоқчиман.

(Давоми 2-бетда).

Фармацевтика саноати:

ИННОВАЦИЯ ВА ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИ



Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида жаҳон миқёсидаги улкан синов ва машаққатлар, оғир муаммоларга, глобал молиявий-иқтисодий инқирознинг давом этаётгани, тайёр маҳсулотлар ҳамда асосан, хом ашё ресурсларига бўлган талабнинг кескин пасайиб бораётганига қарамаздан, юртимизда иқтисодиётнинг изчил ва барқарор ўсиш суръатлари таъминланаётганини алоҳида таъкидлаб ўтди.

ЎЗБЕКИСТОНДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН

Албатта, бу дунё миқёсида юксак эътироф этилаётган тараққиётнинг «Ўзбек модели» самараларидир.

Ана шундай изчил ислохотлар Сирдарё вилояти иқтисодий-ижтимоий ҳаётидаги беқиёс ўзгариш ва янгиланишларда ҳам яққол ўз ифодасини топмоқда. Муҳими, воҳа ўтган қисқа даврда саноати тобора ривожланаётган ҳудудга айланди. Айни пайтда бу ерда фаолият олиб бораётган қатор ишлаб

чиқариш субъектлари ўз маҳсулотларини тўғридан-тўғри хорижий мамлакатларга етказиб бераётгани бунга тасдиқлайди. Хусусан, биргина фармацевтика саноати йўналишида рўёбга чиқарилаётган истиқболли лойиҳалар Сирдарёнинг иқтисодий имкониятларини мустақамлаш баробарида, экспорт салоҳиятини юксалтиришга ҳам хизмат қилаётди.

— Бундан бир неча йил аввал дорихонадан тиббиёт бинти харид

қилиб, унинг ёрлигидаги «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» деган ёзувдан жуда хайратланганим, — дейди Ширин шаҳрилик меҳнат фахрийси Аҳмад Раҳмонбердиев. — Нега дейсизми? Чунки пахта ўз заминимизда етиштирилса-да, бир пайтлар ундан тайёрланган оддий момик ёки доқа ҳам четдан келтирилганини биз, кекса авлод вакиллари яхши биламиз.

(Давоми 2-бетда).

Фаргона шаҳрида бошланган Универсиада мусобақаларининг биринчи куни кескин ва муросасиз курашларга бой тарзда кечди.

Тадбир қатнашчиларининг таъкидлашича, Президентимизнинг «Универсиада — 2016» спорт ўйинлари иштирокчиларига йўлаган табриги ёшлик, гўзаллик ва спорт байрами беллашувларида соғлом рақобат муҳитини кучайтириб, барчага ўзгача руҳ ҳамда кўтаринки кайфият бағишлади.



Эзгу мақсадлар, юксак натижалар

— Давлатимиз раҳбарининг биз, навқирон авлод вакиллари юксак ишонч билдириб айтган сўзлари қалбимиз туб-тубигача етиб бориб, ҳаммамизни тўлқинлантирди, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси вакили, 90 килограммгача вазн тоифасидаги дзюдочи Эркин Дониёров. — Айниқса, табрикдаги «Бундай юксак мақсадларга етиш учун ҳар қайси йигит-қиз ўз устида тинимсиз ишлаши, иродасини чиниктириши, бу йўлдаги қийинчиликлар олдида бўш келмай, ғалабага эришиш учун ўзини аямасдан, ҳал қилувчи дақиқаларда

ишонч ҳосил қилиш мумкин, — дейди юнон-рум кураши мусобақалари ҳаками Хошимжон Абдурахмонов. — Қаранг, гиламга тушган полвон борки, албатта, ё халқаро спорт устаси ёки қитъа миқёсидаги қайсидир мусобақа совриндори. Шу боис бахслар қизгин ўта-япти. Голибликка эришганларнинг асарияти бир балл устунлик билан зафар қучгани ҳам бунинг ёркин тасдиғидир.

Дарҳақиқат, шундай. Хусусан, биз бевосита кузатган беллашувлардан бирида 98 килограммгача бўлган вазн тоифасида иштирок этган мез-



бутун борлигини сафарбар этишга тайёр бўлиши даркор», дейилган фикрлар мени мусобақалар давомида асло бўшамасликка, аксинча, янги куч ва мустақам ирода билан янада олдинга интилишга ундади.

Унинг дил сўзлари бежиз эмас. Зеро, бу ёш спортчи ўз вазн тоифасидаги барча жангни муваффақиятли яқунлаб, Универсиада спорт ўйинларининг олтин медалини кўлга киритди.

Фаргона олимпия захиралари коллежининг улкан спорт залида дзюдочилар билан бирга, юнон-рум кураши вакиллари ҳам голиблик учун гиламга чиқдилар. Маълумки, халқаро Олимпиада ўринлари таркибидан ўрин эгаллаган мазкур спорт тури Универсиада мусобақаларига ҳам илк маротаба киритилди. Бироқ ҳозирданок бошланиши чакки эмас, десак, ўринли бўлади.

— Беллашувларда қатнашаётган полвонлар даражасига қараб, бу галги спорт ўйинлари ҳам халқаро турнирлардан умуман қолишмаслигига

бонлар вакили Нурмурод Сирожев андижонлик тенгдошидан худди шу тахлит ғалабани тортиб олди. Маълум бўлишича, бу уларнинг илк учрашуви эмас экан. Фарғоналик курашчи мамлакатнинг аввалги чемпионатида айнан шу рақибни уни кумуш медалсиз қолдирганини айтиб берди.

Ҳар қандай спорт мусобақасини қабул қилаётган томон ҳамиси улкан масъулиятни ҳис этиб туради. Бу, айниқса, трибунада ўтирган маҳаллий мухлисларнинг тинимсиз ҳайқириғи кўллаб-қуватловчи чоғида янада яққолроқ билинади. Бироқ фарғоналик чарм қўлпоқ устаси Абдулла Қўчқоровга тошкентлик талаба Шерзод Аҳмедов билан «жанги»да айнан мухлислар «кумаги» асқатди. Яқунда мезонлар вакили қатор халқаро турнирлар совриндори, шу пайтга қадар 91 баҳсдан 87 тасида қўли балан келган пойтахтлик боксчи устидан очколар эвазига зафар қучди.

(Давоми 4-бетда).

Парламентдаги мухбирларимиз хабар қилади



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислохотлар кўмитасининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда қўйи палата депутатлари, вазирлик ҳамда идоралар раҳбарлари, мутахассислар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Молиявий ҳужжат ижроси депутатлар томонидан кўриб чиқилмоқда

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2015 йилдаги ҳамда 2016 йилнинг биринчи чорагидаги ижроси яқунлари кўриб чиқилди.

Маълумки, мамлакатимизнинг асосий молиявий ҳужжати ижроси устидан парламент назоратини амалга ошириш Қонунчилик палатасининг устувор вазифаларидан бўлиб, бу депутатлар корпусининг доимий диққат-эътиборидадир. «Парламент назорати тўғрисида»ги Қонун талабларига мувофиқ аввалроқ сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракати депутатлар гуруҳи йиғилишларида Вазирлар Маҳкамасининг ушбу масала юзасидан ҳисоботи дастлабки тарзда кўриб чиқилган эди. Йиғилишда жаҳон

молиявий инқирози давом этаётганига қарамай, юртимиз иқтисодиётида ижобий таркибий силжишлар, сифат ўзгаришлари ҳамда ижобий тенденциялар кузатилаётгани, иқтисодий дастурнинг энг муҳим вазифалари изчил бажарилаётгани боис ҳисобот даврида иқтисодиётнинг юқори ва барқарор суръатларда ўсиши ҳамда макроиқтисодий мувозанат таъминлангани таъкидланди.

Чунончи, 2015 йил якунларига кўра, ялпи ички маҳсулот 8 фоиз, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 8 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш 6,8 фоиз, капитал қурилиш 17,8 фоиз, чакана савдо айланмаси 15 фоиз, пуллик хизматлар кўрсатиш ҳамми 10,8 фоиз ўсишига эришилди.

Ҳисобот даврида фаол инвестиция сиёсати олиб борилиши натижасида иқтисодиётимиз етакчи тармоқларида инвестицияларнинг 67,1 фоизи янги ишлаб чиқариш қувватларини барпо этишга йўналтирилди. Бу эса 2015 йилда 158 та йирик ишлаб чиқариш объекти қурилиши яқунлаш ҳамда фойдаланишга топшириш имконини берди.

Аҳоли бандлигини таъминлаш дастурларини амалга ошириш доирасида 980 мингдан ортиқ иш ўринлари яратилди.

Тадбирда ялпи ички маҳсулотда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши 2000 йилдан буён 31 фоиздан 56,7 фоизга ўсганлиги алоҳида таъкидланди.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида парламент юқори палатасининг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология кўмитаси томонидан ўтказилган мажлисда қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича яқна тартибдаги уй-жойлар қуриш дастурининг Бухоро вилоятидаги ижроси натижалари муҳокама этилди.



Унда Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш кўмитаси, «Қишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компанияси, «Қишлоқ қурилиш банк» АТБ, тегишли вазирликлар ҳамда идоралар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Йиғилишда таъкидланганидек, қишлоқлар қиёфасини тубдан ўзгартириш, аҳоли турмуш даражасини янада ошириш мақсадида давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ҳудудларда намунавий лойиҳалар бўйича намунавий яқна тартибдаги уй-жойлар қуришга доир кенг қўламли дастурлар ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилмоқда. Эътиборлиси, бу борада қишлоқ аҳоли пунктларининг ўзига хос табиий

Долзарб масала муҳокамасига бағишланди

ҳамда иқлим хусусиятлари, ўзбек оиласининг миллий анъаналари ҳисобга олинаётди. Шу билан бирга, замонавий транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани жадал суръатларда шакллантиришга катта аҳамият берилаяпти.

«Қишлоқ жойларда уй-жой қурилишини ривожлантириш» лойиҳасини рўёбга чиқаришда ўтган даврда Президентимиз ҳамда Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган қарорлар муҳим роль ўйнади.

Эътироф этилганидек, 2014-2015 йилларда мамлакатимизнинг қишлоқ туманларида 624 та янги тураржой массиви қурилди. Уларда 23 мингдан ортиқ яқна тартибдаги уй-жой барпо қилинди, шунингдек, 356 та бозор ва ижтимоий инфратузилма объекти фойдаланишга топширилди. Жумладан, Бухоро вилоятида ушбу даврда қурилган 45 та тураржой массивида бир минг 762 та яқна тартибдаги уй-жой қад ростлади.

(Давоми 2-бетда).

Шу йилнинг дастлабки уч ойида республикаимизда

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

5,2

минг гектар майдонда янги интенсив боғлар барпо этилди.

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилиш ҳамда ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишларнинг мантиқий давоми бўлган ушбу боғлар меваси яқин келажақда юртдошларимиз дастурхонига янада файз ва барақа қўшиши, шубҳасиз.

(Давоми 2-бетда).

Молиявий ҳужжат ижроси депутатлар томонидан кўриб чиқилмоқда

◀ (Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Ҳозирги пайтда ушбу соҳада жами саноят маҳсулотларининг учдан бир қисми ҳамда қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларининг 98 фоизи ишлаб чиқарилмоқда. Иш билан банд бўлган аҳолининг 77 фоиздан зиёди мазкур тармоқда меҳнат қилаётир.

Шунингдек, мамлакатда иқтисодий ривожлантириш борасидаги комплекс чора-тадбирлар туфайли 2015 йилда Давлат бюджет-те тасдиқланган параметрларга мувофиқ амалга оширилганлиги ҳамда иқтисодиётга солиқ юқининг камайтирилгани ҳолда ялли ички маҳсулотга нисбатан профицит билан ижро этилганлиги, инфляция даражаси эса белгиланган прогноза

кўрсаткичларидан ошмаганлиги кайд этилди.

— Устувор вазифаларнинг тизимли равишда олиб борилаётгани боис 2016 йилнинг биринчи чорагида ҳам республика иқтисодиётида муҳим ижобий ўзгаришлар таъминланган, — дейди Бюджет ва иқтисодий ислохотлар кўмитаси аъзоси Элдор Туляков. — Жумладан, ялли ички маҳсулот ҳажми 7,5 фоиз, саноят маҳсулотлари ишлаб чиқариш 7 фоиз, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштириш 6,7 фоиз ўсган. Шу билан бирга, Давлат бюджети ялли ички маҳсулотга нисбатан 0,1 фоиз миқдорда профицит билан ижро этилган.

Йиғилишда жаҳон бозорида талабнинг кескин қисқариши, мав-

хумлик ва рақобатнинг кучайиб боришига қарамай, Ўзбекистонда экспорт қилувчи корхоналарни рағбатлантириш ҳамда уларга ўз маҳсулотини ташқи бозорда сотиши учун зарур ёрдам кўрсатиш борасида қабул қилинаётган самарали чора-тадбирлар экспорт ҳажми ўсиш тенденциялари сақланишини ва ташқи савдо айланмасининг ижобий салдосини таъминлаётганлиги таъкидланди. Йил бошидан ўз маҳсулотини аввал экспорт қилмаган 583 та корхона экспорт фаолиятига жалб этилди, шунингдек, 95 турдаги ялли маҳсулот ташқи бозорга чиқарилди.

Шу билан бирга, иштирокчилар айрим камчиликларнинг олдини олиш масаласига алоҳида эътибор қаратишди. Ўз навбатида, депутат-

лар муҳокамаларда ҳисобот даврида баъзи бюджет ташкилотларида маблағларнинг ишлатилиши билан боғлиқ молиявий ҳуқуқбузарликларга йўл қўйилаётганига танқидий ёндашилди.

Тадбирда бюджетдан ажратилаётган маблағларнинг самарали ва мақсадли сарфланишини таъминлашда мутасадди вазирлик ҳамда идоралар ва ҳокимликлар масъулиятини янада ошириш, бюджетдан маблағ олувчи ташкилотларда молиявий интизомга риоя қилинишини кучайтириш юзасидан аниқ тақлифлар билдирилди.

Йиғилишда Солиқ ва Божхона кўмиталарининг Давлат бюджети даромад қисмининг ижроси тўғрисидаги, Бандлиқ кўмаклашиш давлат жамғармасининг аҳолини иш билан таъминлаш дастури ижроси ҳақидаги ҳамда иқтисодиёт асосий тармоқларидаги бошқа ҳўжалик бирлашмаларининг ҳисоботлари эшитилди.

Яқунда билдирилган фикр-мулоҳазалар асосида кўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

Зиёда АШУРОВА.

Долзарб масала муҳокамасига бағишланди

◀ (Давоми. Бошланиш 1-бетда).

— Мазкур иншоотларни қуриш учун Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, “Қишлоқ қурилиш банк” акциядорлик тижорат банки, “Ипотeka-банк” акциядорлик тижорат ипотека банки вилоят филиаллари томонидан 2014-2015 йилларда фуқароларга 189 миллиард сўм миқдорда имтиёзли ипотека кредитлари берилгани эътиборга моликдир, — дейди Олий Мажлис Сенати аъзоси Азим Латипов. — Шу ўринда халқ депутатлари Бухоро вилояти Кенгаши ҳамда унинг доимий комиссиялари томонидан мазкур йўналишдаги дастурлар ижроси мунтазам назорат қилиб борилаётганини

айтиш жоиз. Хусусан, саноят, транспорт, коммунал ҳўжалик, алоқа ва аҳолига хизмат кўрсатиш масалалари бўйича доимий комиссиялар ушбу масалаларни бир неча марта ўрганиб чиқди.

Тадбирда халқ депутатлари вилоят ҳамда туман Кенгашлари, уларнинг доимий комиссиялари, ҳокимликлар, тегишли ташкилотлар раҳбарлари томонидан қишлоқ ҳойларда намунавий лойиҳалар бўйича яқка тартибдаги уй-ҳўл қуриш дастури ижросини таъминлаш чоғида йўл қўйилаётган камчиликлар хусусида ҳам сўз юритилди.

Мажлисда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Зокир ХУДОЙШУКУРОВ.

«Ўзбекистоннинг ШХТга бу галги раислиги ҳам ташкилот тарихида катта из қолдиради»

◀ (Давоми. Бошланиш 1-бетда).

— Ўзбекистоннинг ШХТга ҳозирги раислиги мазкур ташкилотнинг 15 йиллик юбилейига тўғри келгани чўкур рамзий маънога эга, — деди Валенсидаги Европа университетини профессори Хорхе Местре. — Шу давр оралиғида, жумладан, Ўзбекистоннинг савй-ҳаракатлари туфайли мазкур бирлашма эътиборли тизимга айланиб, унинг нуфузи кескин равишда ошди. Ўзбекистоннинг ШХТ фаолиятида иқтисодий йўналишни кучайтириш зарурлиги борасидаги нуктаи назари жуда мақбул ва тўғридир. Чўнки бу йирик минтақадаги барқарорликнинг кўллаб-қувватланишида аҳоли фаровонлигини юксалтириш жуда муҳимдир.

Мамлакатингизнинг бундан олдинги раислиги даврларида унинг ташаббуси билан ШХТ доирасида муҳим қарорлар қабул қилиндики, улар бирлашмага аъзо давлатларнинг манфаатларига мос келади. Ишончим комилки, Ўзбекистоннинг Шанхай ҳамкорлик ташкилотига бу галги раислиги ҳам ташкилот тарихида катта из қолдиради.

«Жаҳон» АА. Модрид

Бебаҳо қадриятлар намойиши

Бухорода анъанавий “Ипак ва зирavorлар” фестивали бўлиб ўтмоқда. У вилоят ҳокимлиги, “Ўзбектуризм” Миллий компаниясининг Бухоро минтақавий бўлими, “Хўнарманд” уюшмаси вилоят бошқармаси ҳамда бошқа бир қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда уюштирилди.

ФЕСТИВАЛЬ

Мазкур тадбирда нафақат республикамиз, балки хорижий давлатлардан келган хўнармандлар, туроператорлар, мамлакатимизда аккредитациядан ўтган дипломатик корпуслар ва халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этмоқда.

— Бенихос бой маънавий меросимиз билан ҳар қанча фахрлансак арзийди, — дейди таниқли зардуз, “Шўҳрат” медалли соҳиб Бакшўлла Жумавев. — Уни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш давлатимизнинг доимий эътиборида. Биз, хўнармандларга яратиб берилган қулайликларни айтмайсизми? Мана бу сиз кўриб турган “Совга” хўнармандчилик маркази истиқлол туҳфасидир. Миллий қадриятларни кенг тарғиб қилиш ҳамда ривожлантиришда эса “Ипак ва зирavorлар” фестивалининг аҳамияти катта.

Шаҳарнинг қадимий қисмида рассомлар ҳамда миниатюра санъати, Гиждувон куллолик мактаби, каштачилик, ипак гилам тўқиш, темирчилик, қандакорлик мактаблари вакиллари ўз касб маҳоратларини намойиш этишяпти. Бу бежиз эмас, албатта. Буюк Ипак йўли ёқасида жойлашган кўҳна кенда миллий хўнармандчилик раванқ топган. Унинг илдизи неча минг йилларга бориб тақалади. Муस्ताқиллик шарофати билан халқ амалий санъатининг унутилмаётган турлари қайта тикланди. Хусусан, ипақдан тайёрланаётган буюмларга, шунингдек, минг дардга шифо зирavorларимизга қикизиш юқори.

— Мазкур фестивалда бу йил бешинчи марта қатнашяпти, — дейди марғилонлик хўнарманд Муроджон Абдуллаев. — Ипақдан тай-

ёрланган атлас, адрас каби йиғирма турдан зиёд матоларимизни кўргазмага қўйганмиз. Бухорода ўтаётган ушбу тадбир бизга ички ва ташқи бозордан харидорлар топшишимизда қўл келаяпти. Кўриб турганимиздек, бу ерга юртимизнинг барча гўшасидан халқ амалий санъати усталари ташриф буюришган.

“Ипак ва зирavorлар” фестивали анъанага кўра, Минораи Калон олдида то Лаби Ҳовуз мажмуасига қадар бўлган йўналиш бўйлаб ташкил этилди. Карнай-сурнай садолари остида фольклор-этнография дасталарининг чиқишлари, хўнармандларнинг кўргазмалари, ярмаркалар, миллий спорт ўйинлари — буларнинг барчаси тадбир қатнашчиларига унутилмас завқ бағишламоқда.

Фестивалнинг сўлим Лаби Ҳовуз мажмуасида уюштирилган тантанали очилиш маросимида сўз олганлар мамлакатимизда моддий ва номоддий бойликларни асраб-авайлаш, уни янада бойитиш, Бухоронинг сайёҳлик салоҳиятини юксалтириш йўлида амалга оширилаётган ишларни алоҳида эътироф этдилар.

Фестиваль доирасида, шунингдек, Бухорога хорижий сармоялар, замонавий технологиялар ва инновация лойиҳаларини жалб қилиш — туризм соҳасини ривожлантириш, хизмат кўрсатиш тизимини янгилаш ҳамда халқаро тан олинган маданий мерос объектларини сақлаб қолшининг бош мезони мавзусида халқаро илмий-амалий анжуман ўтказилди.

Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ

Кеча пойтахтимизда “Шошилич тиббий ёрдамни ташкил қилишнинг долзарб муаммолари: қон томир тизимининг ўткир касалликлари диагностикаси, даволаш ва профилактика масалалари” мавзусида халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Унда Жанубий Корея, Япония, Швейцария, Италия, Россия, Финляндия, Германия каби йиғирмага яқин давлатлар ҳамда мамлакатимиздан уч юздан зиёд олим, шифокор ва ёш тадқиқотчилар иштирок этди.

Ушбу анжуман шошилич тиббий ёрдам йўналишидаги кенг қўламли ишларни таҳлил қилиш, ўзаро тажриба алмашиш, аҳолига сифатли хизмат кўрсатишда илғор ютуқлардан, таххислаш ҳамда даволаш жараёнида юқори технологик услублардан кенгрок фойдаланиш масалаларини муҳокама этиш мақсадида ташкил қилинди.

Меҳмонлар республикамиз соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар ва уларнинг самараларини юксак эътироф этдилар. Хусусан, улар таъкидлаганидек, Ўзбекистонда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, саломатлигини муҳофаза қилиш, таълим соҳасини тўдан яхшилаш ва ривожлантириш, атроф-муҳит ҳамда экологияни асраб-авайлашга давлат сиёсати даражасида аҳамият қаратилмоқда. Буларнинг барчаси жаҳонда “Ўзбек модели” сифатида тан олинган миллий тараққиёт йўли асосида ҳаётга таъбиқ қилинаётир.

— Ҳозирги кунда энг юқори талаб ва мезонларга мос ихти-

замонавий махсус транспорт воситалари билан таъминланди ва олис ҳудудларга илғор алоқа воситалари етказиб берилди. Анжуман давомида юртимиз шошилич тиббий ёрдам кўрсатиш тизими ҳақида тадбир иштирокчиларига батафсил маълумот берилди. Қолаверса, хорижлик мутахассислар, малакали

Аҳоли саломатлиги муҳофазаси

мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг устувор йўналишидир

сослаштирилган вилоят шифохоналари, уларнинг шаҳар ҳамда туман бўлимлари қошидаги тез тиббий ёрдам хизмати муассасаларида мутлақо янгилаш, ўзига хос тизим фаолияти йўлга қўйилган, — дейди Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази бош директорининг педиатрия ишлари бўйича ўринбосари Хилола Алимова. — Ушбу марказлашган тизим асосида Республика шошилич тиббий ёрдам илмий марказининг жойлардаги 12 та минтақавий филиали, шунингдек, туман тиббиёт бирлашмалари қошидаги 172 та субфилиали фаолият кўрсатапти. Бундан ташқари, мамлакатимизнинг барча ҳудудда “103” хизмати станциялари, тез тиббий ёрдам гуруҳлари ҳамда санавиация хизмати йўлга қўйилган. Тез тиббий хизмат кўламини янада кенгайтириш мақсадида мазкур тизим

экспертлар Республика шошилич тиббий ёрдам илмий марказида аҳоли саломатлиги учун яратилаётган барча жараён билан яқиндан танишдилар.

— Мамлакатингизда шошилич тиббий ёрдам хизматининг жорий этилгани соғлиқни сақлаш соҳасидаги энг муҳим ютуқлардан биридир, — дейди швейцариялик профессор, “Евроосиё юраги” хайрия фонди президенти жаноб Пол Р. Вогт. — Конференция давомида тиббий хизмат жаҳон андозалари даражасига кўтарилгани, шифохоналарда замонавий шароитлар яратилгани амин бўлди. Бу инсон манфаатларини таъминлашга қаратаётган улкан ғамхўрликнинг амалий ифодасидир.

Айтиш жоизки, ҳозирги кунда мамлакатимиз шошилич тиббий ёрдам хизмати стационарлари 8324 ўринга эга. Йил сайин

аҳолининг ушбу тизимга ишончи ортиб бораётгани, айниқса, қувонарлиқдир. Ҳар йили марказ ва унинг ҳудудий бўлимларида икки миллиондан ортиқ беморга шошилич тиббий ёрдам кўрсатилади, 200 мингдан зиёд мураккаб операциялар ўтказилади. Марказда юқори технологик таххис ускуналари ёрдамида ультратовуш, рентген, мультислайд компьютер томографияси, фиброэндоскопия, бронхоскопия, колоноскопия, ангиография, краниоскопия сингари, шунингдек, барча турдаги таххиллий муолажалар олиб борилади. Бу каби тиббий таххиллар натижасига кўра, эндовидеохирургик, нейрохирургик, кардиологик, микрохирургик, пластик, гинекологик ва бошқа мураккаб жароҳлиқ усуллари амалга ошириляпти.

Халқаро конференцияда юрак-қон томир хасталиклари билан касалланган ҳамда ўлим кўрсаткичини камайтиришнинг стратегик вазифалари, мазкур хасталикларнинг турли клиник шакллари таххислаш ва муолажаланинг долзарб муаммолари, артериал гипертензия, сурункали юрак етишмовчилигини даволашнинг илғор усуллари оид масалалар хусусида сўз борди. Ўзбекистон соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, кардиологик хизматнинг бугунги аҳоли ҳамда истиқболларига бағишланган маърузалар тингланди.

Омонулла ФАЙЗИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ИЗЛАНИШ

Ургут туманидаги масъулияти чекланган жамият шаклидаги “Sam-nur-tafviz” кўшма корхонасида сирланган ва эмалли рўзгор идишлари, электр духовқалар ҳамда балли газ плиталари ишлаб чиқарилади эди.

Яна бир янги маҳсулот

Яқиндан бошлаб бу ерда 5 литрлик сизимдаги газ баллонлари тайёрлашга ҳам киришилди. Тез орада улар қаторига 25 ва 50 литрлик ана шундай маҳсулотлар қўшилиди.

— Корхонамизда айна пайтда 81 киши меҳнат қилмоқда, — дейди жамият бош ҳисобчиси Шўҳрат Аҳоров. — Техноложияларимиз йилга 20 минг дона рўзгор идишлари, 70 минг дона электр духовқа, 170 минг дона газ плитаси ишлаб чиқариш қувватига эга. Маҳсулотларимиз шу пайтгача фақат ички бозорда сотилаётган бўлса, эндиликда экспортни йўлга қўйишни ҳам режалаштиряптимиз.

Мамадиёр ЗИЁДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Фармацевтика саноати:

ИННОВАЦИЯ ВА ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИ

◀ (Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Ўшанда сотувчи қиз ажабланганимни сезди, шекилли, дарҳол изоҳ берди: “Булар ўзимизнинг маҳсулот, Бахт шахридаги корхонада тайёрланапти”. Рост, жуда қувондим. Мана, истиқлол берган имкон! Бугун оддий гугуртдан тортиб, замонавий автомобилларга ҳам ишлаб чиқариладиган маҳсулотларимиз бор. Бундан ҳар қанча фахрлансак, гурунлансак арзийди.

Дарҳақиқат, “Бахт текс фарм” — вилоятдаги йирик фармацевтика корхоналаридан бири. Бу ерда пахта толасидан халқаро андозаларга мос 39 турдаги тиббиёт воситалари тайёрланапти. Энг илғор технологияларни бошқариш учун беш юздан зиёд мутахассис жалб қилинган. Улар савй-ҳаракати билан биргина ўтган йилнинг ўзида 16 миллиард 947 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, унинг 2 миллион 227 минг АҚШ долларлик қисми хорижга сотилди.

Қувонарлиси, вилоятда бундай илғор корхоналар талайгина. “Река мед фарм”, “Темур мед фарм”, “Амалий мед фарм”, “Коди фарм”, “Муслима мед фарм” сингари саноят субъектлари шулар жумласидан. Эътиборлиси, уларда тайёрланаётган инфузион эритмалар ва бошқа препаратлар тиббиёт тизимида қўлланиладиган энг зарур дори воситалари сирасига қиради. Яъни бу малҳамлардан деярли барча муолажа жараёнларида кенг фойдаланилади.

Гулистон шахридаги “Ама-

лий мед фарм” масъулияти чекланган жамиятининг “Галин” препаратлари эса халқаро “ISO-9001” сертификатига сазовор бўлди. Айна пайтда

кичик бизнес субъекти юртимиздаги тиббиёт муассасалари ҳамда дорихоналарга йилга 7 миллион флакон миқдорда этил спирти, йод, мено-

вазин ҳамда борат кислотаси етказиб бераётир. Қолаверса, вилоят марказида янги ташкил этилган “Муслима мед фарм” корхонаси жамоаси ҳам худди шу турдаги шифобахш малҳамлар ишлаб чиқаришга киришди.

— Худудимизда тайёрланаётган фармацевтика воситаларининг барчаси импорт ўрнини босувчи маҳсулотлардир, — дейди “Сирдарё дори-дармон” масъулияти чекланган жамияти раҳбари Бахтиёр Равшанов. — Бинобарин, бу препаратлар юқори самарадорликка эгаллиги туфайли уларга ташқи бозорда ҳам талаб ортиб борапти.

Дарвоқе, яқинда Гулистон шахридаги “Сарбон текс” корхонасида пахта толасидан тиббиёт бинтлари ва бошқа ашёлар тайёрловчи технология линиялар ҳаракатга келтирилди. Ҳадемай, дастлабки босқичда 5, келгусида эса 14 турдаги шприц ишлаб чиқарувчи “Гулистон мед техника” Ўзбекистон — Буюк Британия кўшма корхонаси ҳам фойдаланишга топширилди. Мутахассисларнинг фикрича, 2018 йилга бориб, Испания технологияси асосида фаолият кўрсатувчи ушбу

субъект маҳсулотларининг тенг ярми экспортга йўналтирилади.


Эътиборлиси, Сирдарёда фармацевтика саноати жадал раванқ топиши билан уларга ҳамкор корхоналар ҳам пайдо бўляпти. Сирдарё туманидаги “Сир универсал ойна” ҳамда “Фарм пласт” ана шулар сира-сидан. Дори-дармонлар учун идишлар тайёрлашга ихтисослаштирилган мазкур қувватлар ишга туширилгач, қадоқлаш ашёлари тайёрлаш ҳам тўлиқ маҳаллийлаштирилади. Ўз навбатида, бу, маҳсулот таннархи янада арзонлашишида муҳим омил бўлади.

Яна бир диққатга молик далил: дори воситалари тайёрлашда, асосан, маҳаллий хом ашёдан фойдаланилаётгани муваффақиятлар қўламини кенгайтираётир. Жумладан, Боёвут туманидаги масъулияти чекланган жамият шаклидаги “Sirdarya Licorice Extract” кўшма корхонасида шифобахш ўсимликдан олинаётган экстракт бошқа соҳалар қатори фармацевтика саноатида ҳам кенг қўлланилади. Бинобарин, яқинда “Сирдарё дори-дармон” масъулияти чекланган жамиятида қизил дўлана, тоғрайхон, жағжағ, кийикўт сингари наботот турларидан фиточойлар ва бошқа дори воситаларини қайта ишлаш ҳамда қадоқлаш йўлга қўйилди.

Истиқлол йилларида мамлакатимизда фан ва техника тараққиётига кенг йўл очилгани, ишлаб чиқариш узлуқсиз тақомиллаштирилиб, бу жараёнга инновацион технологиялар жадал татиқ этилаётгани тизим ривожини янги босқичга кўтармоқда. Бу эса, ўз навбатида, худудлар ижтимоий-иқтисодий тараққиётига ҳам кенг йўл очаётгани билан аҳамиятлидир.

Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.



Маълумотларга кўра, ҳозирги кунда вилоятда ишлаб чиқарилаётган инфузион эритмалар миқдори республикамиз ички эҳтиёжини тўлиқ таъминлайди. Бунда Сирдарё туманидаги “Река мед фарм” кўшма корхонасининг ҳиссаси, айниқса, катта. Бу ерда ойнага 2 миллион дона флаконга 19 номдаги дори кўйилиб, юртимиз ҳамда чет элдаги тиббиёт муассасаларига етказиб берилаяпти. Масалан, сўнгги икки йил давомида жамоа томонидан 637 минг АҚШ долларлик маҳсулот экспорт қилинган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткичини 1 миллион долларга етказиш кўзда тутиляпти. Шу тумандаги яна бир кўшма корхона — “Темур мед фарм” — да амалга оширилаётган техник ва технология янгилишлар ҳам эътиборга молик. Бунинг натижасида тадбиркорлик субъекти дорихоналари мамлакатимизда биринчилардан бўлиб “Флюконазал” инфузион эритмаси тайёрлашни йўлга қўйди. Шунингдек, “Офлакцин” антибиотигини ишлаб чиқариш технологияси ўзлаштирилди.

Навоий ижоди ва ёшлар маънавияти

Пойтахтимизда “Алишер Навоий ва XXI аср” мавзуида республика биринчи илмий-назарий анжумани бўлиб ўтди.

АНЖУМАН

Унда сўзга чиққан Ўзбекистон Қаҳрамони С. Ганиева, филология фанлари доктори, профессор Ш. Сирожиiddинов ва бошқалар давлатимиз раҳбарининг 2016 йил 13 майдаги “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ташкил этиши тўғрисида”ги Фармони жамият ҳаётида улкан ижтимоий воқелик бўлганини таъкидлади.

Мазкур ҳужжатда қайд этилгандек, ўзбек адабий тили, айниқса, XIV — XV асрларда — Амир Темури ва темурийлар ва бошқалар давлатимизнинг янги, юксак босқичига кўтарилди. Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий умумбашариат маданий ҳазинасидан муносиб ўрин олган ўлмас асарларини айнан она тилимизда яратиб, унинг шухратини бутун дунёга ёйди.

